



ФРАЗЕОЛОГИК ИБОРАЛАРНИНГ ДЕРИВАЦИОН ХУСУСИЯТЛАРИ

Шодиев С.Э.,

СамДЧТИ катта ўқитувчиси

Калит сўзлар: сўз бирикмаси қолипидаги фразеологик ибора, гап қолипидаги фразеологик ибора, таянч структура, туб структура, семантик деривация, структур деривация.

Фразеологик иборалар синтактик деривацияси масаласини уларнинг нутқдан ташқаридаги ҳолатида ўрганамиз. Чунки ибора тил бирлиги бўлганлиги учун у нутқда ҳам ўзгаришсиз қўлланади. Нутқда қўшимча тарзда ибора таркибига киритиладиган сўзлар эса унинг маъносига нутқнинг талабига кўра қандайдир қўшимча (кўпроқ экспрессив) маъно илова қилади, холос. Баъзи нутқ муҳитлари бўладики, фразеологик ибора компонентлари орасига бир неча қўшимча сўз ва ҳатто жумлалар кириши ҳам мумкин. Лекин шундай бўлса-да, иборанинг деривацион тамойили ўзгармайди. Бошқача айтганда, мазкур қўшимчалар фразеологик маънони таъкидлаш, унинг қайсидир жиҳатларига аниқлик киритиш учун хизмат қилади: **Йўқ, бу илиқ меҳр қиз дилида ундан ҳам олдин, Гулсум опалар шаҳардан кўчиб келганда ва жуда билимдон кўринган Машраб ҳеч кимни менсимамай юрган чоғлардаёқ уйғонган (О.Ёкубов. Эр бошига иш тушса).**

Келтирилган мисолда **меҳр уйғонган** тарзида шаклланган фразеологик ибора мавжуд бўлиб, унинг гап қолипида келганини кўрамыз.

Фразеологик ибора гап қолипида келганда унинг деривацион хусусиятлари сўз бирикмаси қолипидаги иборалардан бирмунча фарқ қилади. Буни биринчи галда гап қолипидаги ибора синтактик деривациясининг таянч структурага, таянч структура эса туб структурага асосланишида кўрамыз. Сўз бирикмаси қолипидаги иборалар деривацияси эса ҳар доим ҳосила (дериват) структурани тақозо этади. Шу боис бу ўринда туб ва таянч структуралар ҳақидаги тушунча кун тартибига қўйилмайди. Мазкур қоидага

нафақат турғун сўз бирикмалари, балки эркин сўз бирикмалари ҳам бўйсунди. Чунки сўз бирикмаси деган тушунча фақат ҳосила структураларга нисбатан қўлланади. Гап эса ҳосила тарзидагина эмас, балки туб структура асосида шаклланган таянч структура қолипида ҳам келади. Турғунлик мақомидан қатъи назар, гап қолипида келган фразеологик ибораларнинг деривацион хусусиятларини ўрганишда ҳам ана шу тамойилга амал қиламиз:

1. **Буни кўриб Розиковдан уялган Қудратовнинг тепа сочи тик бўлиб кетди (И.Раҳим.Оқибат).**

2. **Қариялар севиниб бошлари осмонга етарди (И.Раҳим.Оқибат).**

Берилган мисолларнинг биринчисида гап қолипида келган **тепа сочи тик бўлиб кетди** ибораси қўлланилган бўлиб, айти пайтда у ҳосила (дериват) қурилмани тақозо этади. Мазкур ҳосила **сочи тик бўлиб кетди** тарзида шаклланган таянч қурилмага асосланмоқда¹[Кацнельсон С.Д.,-М.,1986. -С. 142].Таянч қурилма эса **бўлмоқ** феъли орқали ифодаланган туб структура замирида воқеланмоқда. Агар символ воситасида берадиган бўлсак, туб структура V белгиси орқали белгиланади.

Шуни ҳам айтиш керакки, туб структура минимал шаклли бўлиб, у

тафаккур структурасини ёки таянч структурани вужудга келтирувчи ички семантик воситани тақозо этади²[Яхшибоев Ғ.Х.-Самарқанд, 2004].

Туб структурада ҳар доим тўлдирилиши лозим бўлган бўш ўринлар бўлади ва шу боис мавҳум характер касб этади [Маматов А.Э.-Ташкент. 1991, -С. 44-45.]. Туб структура шунинг учун ҳам



ички семантик ёки тафаккур структураси деб юритилади.

Туб структурадаги бўш ўринлар таянч структурада ва у орқали ҳосила структурада тўлдирилади. Унинг таянч структурада тўлдирилиши қуйидаги кўринишда бўлади: **N+V (сочи тик бўлиб кетди)**. Бироқ таянч структура- бу ҳали ҳосила дегани эмас. Ҳосила деганда, таянч структурадан шаклланган синтактик курилмани тушунамиз. Бундай курилма таркибида албатта (ҳеч бўлмаганда битта) **X** унсурлар қатнашади. Буни символлар воситасида қуйидагича кўрсатиш мумкин: **XNV (ёки NXV): Тепа сочи тик бўлиб кетди**.

Юқорида келтирилган иккинчи мисолда **бошлари осмонга етарди** фразеологик ибораси қатнашмоқда. Бу ўринда гапнинг туб структураси **етарди** феъли орқали ифодаланаётганини кўрамиз.

Таянч структура эса ана шу туб структура асосида шаклланмоқда: **етарди -V; бошлари етарди - таянч структура: NV**. Мазкур таянч структурадан ҳосила курилма шаклланмоқда: **бошлари осмонга етарди: XNV**.

Гап қолипиди келган фразеологик ибораларнинг синтактик деривацияси аксарият ҳолларда морфологик ифодали реал операторга асосланади. Қуйида буни фактик тил материали асосида кўриб ўтамиз:

1. Нимага даминг ичингга тушиб кетди? (Й.Шамшаров.Чирок).

2. Саиданинг юрагига қил сиғмас эди.(А.Қаҳҳор. Синчалак).

Берилган мисолда даминг ичингга тушиб кетди ибораси мавжуд бўлиб, у уч операнд синтактик муносабатидан ташкил топган дериватни тақозо этмоқда. Синтактик деривация оператори айни пайтда **-га (ичинг+га)** операторига асосланганини кўрамиз. Бу ўринда деривацион жараёни қуйидагича тасаввур қилиш мумкин:

1. Тушиб кетди - туб структура (V).

2. Даминг тушиб кетди - таянч структура(NV).

3. Даминг ичингга тушиб кетди - дериват -ҳосила структура (NXV).

Иккинчи мисолда **юрагига қил сиғмас эди** тарзидаги гап қолипиди фразеологик ибора берилмоқда. Бу ўринда деривацион жараён қуйидагича рўй берганини кўрамиз:

1. Сиғмас эди - туб структура (V).

2. Қил сиғмас эди - таянч структура(NV).

3. Юрагига қил сиғмас эди - дериват -ҳосила структура (XNV).

Айни пайтда ибора синтактик деривацияси **-га (юраги+га)** операторига асосланмоқда.

Гап қолипиди келган фразеологик ибора синтактик шакли ҳосила структурани тақозо этмаслиги ҳам мумкин. Бундай вазиятда фақат туб ва таянч структуралар ўртасида содир бўлган синтактик муносабат, бошқача айтганда, субъект предикат муносабати кузатилади:

1. У туни билан шу ҳақда ўйлади, ўйлади-да, ўйига етолмади. Калаваси чуваланиб кетди (И.Раҳим. Оқибат).

2. Шу кучга таянган қудратовчиларнинг ҳамма жойда қўли узун бўлиб қолди (И.Раҳим. Оқибат).

3. Шундай бўлса ҳам, Лариса боғни кўриб, оғзи очилиб қолди (О.Ёқубов. Эр бошига иш тушса).

Келтирилган мисолларнинг бирортасида ҳам ҳосила (дериват) шаклини тақозо этувчи ибора мавжудлигини кўрмаймиз. Айни пайтда фақат туб структураларга асосланган минимал шаклли синтактик курилмалар кузатилади:

Туб структуралар:

1. Чуваланиб кетмоқ. 2. Узун бўлиб қолмоқ. 3. Очилиб қолмоқ.

Минимал шаклли синтактик структуралар:

1. Калаваси чуваланиб кетди.

2. Қўли узун бўлиб қолди.

3. Оғзи очилиб қолди.

Таъкидлаш лозимки, берилган мисолларнинг барчасида туб структурадаги бўш ўриннинг тўлдирилиши ва минимал ҳажмли синтактик структуранинг шаклланиши **-и** эгалик аффикси иштирокида содир бўлмоқда. Аммо мазкур морфологик



восита дериват ясовчи унсурлар жумласига кирмайди ва шу боис бу ўринда ибора синтактик деривацияси хусусида сўз юрита олмаймиз.

Баъзи фразеологик иборалар кўшма гап қолипида келади. Бундай вазиятда ибора синтактик деривациясининг операндлари дериват синтактик структурасининг алоҳида таркибий қисмлари саналади:

Одатда оламни сув босса, тўпиғига келмайдиган Акмал ҳам бугун бошқачароқ.... (О.Ёқубов. Эр бошига иш тушса).

Агар мазкур мисолдаги иборани алоҳида **Оламни сув босса, тўпиғига келмайди** тарзида олиб қарайдиган бўлсак, у ҳолда ибора синтактик деривациясининг оператори **–са (босса)** аффикси эканлигини кўрамиз. Мазкур аффикс нафақат ибора шаклидаги дериват оператори, балки устпредикативлик белгисини вужудга келтирувчи морфологик омил вазифасини ҳам бажаради. Бошқача айтганда, унинг ёрдамида полипредикатив характерли ибора таркибий қисмларининг умумий ҳолда воқеликка муносабат билдириши ана шу аффикс воситасида шаклланади. Бундай хусусият кўшма гап қолипида келувчи **гаҳ деганда қўлга қўнадиган бўлмоқ, ер ёрилса, ерга киргудай бўлмоқ, ер тагида илон қимирласа билмоқ** каби фразеологик ибораларда ҳам кузатилади. Бироқ мазкур иборалар нутқ доирасида қўлланганда аксарият ҳолларда таркибли аниқловчи, ҳол ва ҳ.к. сингари гап бўлаклари вазифасида келади. Буни юқорида берилган мисолда ҳам кўришимиз мумкин: **оламни сув босса, тўпиғига келмайдиган Акмал**. Айни пайтда ибора таркибли аниқловчи вазифасида келмоқда.

Шуни ҳам айтиш лозимки, кўшма гап қолипидаги фразеологик ибора гап бўлаги вазифасида келганда, унинг юқорида эслатиб ўтилган устпредикативлик белгиси ҳамда том маънодаги деривацион хусусиятлари ҳақида сўз юритиш қийин. Чунки бундай вазиятда мазкур ибора қатнашаётган

жумланинг предикативлик белгиси ёки деривацион хусусиятлари устувор аҳамият касб этади. Фразеологик ибора эса мазкур жумланинг таркибий қисми сифатида фаоллик кўрсатади.

Бундай вазият нафақат кўшма гап қолипидаги, балки гап қолипидаги барча фразеологик ибораларнинг нутқий фаоллашувида кузатилади. Қуйида ана шу ҳақда фактик нутқ материалларига мурожаат этамиз:

1. Мавлуданинг ўқиши, Исоқнинг авзойи ҳали ҳам бузуклигидан домлага ахборот бериб, кўчага чикди (Й. Шамшаров. Чироқ).

2. Хотин киши от минмабдими? Шундай учирайки, куёвингиз оғзини очиб қолсин (Й. Шамшаров. Чироқ).

3. Бир маҳал янги ҳамроҳ хаёли жойига тушгандек сўраб қолди (О.Хусанов. Тақилмаган узук).

4. ...айниқса “бувиджон” деб хитоб қилишлари кўнглини эритиб юборарди (О.Ёқубов. Эр бошига иш тушса).

Келтирилган мисолларнинг барчасида гап қолипидаги **авзойи бузилмоқ** ибораси **авзойи ҳали бузуклигидан** тарзида келиб, анъанавий формал тўлдирувчи (воситали) вазифасини бажармоқда. Агар **Исоқнинг авзойи ҳали ҳам бузук** эди шаклидаги гап воқеланганда эди, унда **авзойи –эга, бузук** кесим функциясини бажарган бўларди.

Иккинчи мисолда гап қолипида **оғзи очилиб қолмоқ** тарзида қўлланиши лозим бўлган ибора нутқнинг талабига кўра оғзини очиб қолсин шаклида яхлитлигича формал кесим вазифасини бажармоқда.

Учинчи мисолда берилаётган **хаёли жойига тушгандек** ибораси ҳол функциясида келмоқда. Мазкур ибора қўлланишида асар муаллифи фразеологик иборанинг нутқий фаоллашувида қисман меъёрий нуқсонга йўл қўйганлигини кўрамиз. Зотан, тилда **кўнгли жойига тушмоқ** ибораси мавжуд. Бироқ қандай қўлланилганлигидан қатъи назар, бу ўринда эга-кесим муносабатини тақозо этувчи гап қолипидаги фразеологик ибора нутқда ўзгача вазифада, гапнинг иккинчи



даражали бўлаги фаоллашаётганини кўрамиз.

Тўртинчи мисолда **кўнглини эритиб юборарди** тарзида қўлланилган ибора гапда кесим вазифасини бажармоқда. Мазкур ибора **кўнгли эриб кетди** шаклида қўлланилганда, гап қолипда келган бўларди. Аини пайтда эса нутқий эҳтиёжга кўра гап бўлаги функциясида фаоллашмоқда.

Фразеологик иборалар деривацион хусусиятларини тадқиқ этишда шунга аҳамият бериш лозимки, бу ўринда фақат синтактик деривация эмас, балки семантик деривация ҳам муҳим аҳамият касб этади. Агар синтактик деривация қонун-қоидалари иборанинг формал нуктаи назардан шаклланишини кўрсатса, иборанинг умумий маъно салмоғи унинг семантик деривацияси демакдир. Шу боис бу ўринда синтактик ва семантик деривациялар ўзаро узвий муносабатда бўлади. Бошқача айтганда, улар кесишади. Фикр исботи учун қуйидаги мисоллар таҳлилига эътибор қаратайлик:

1. Овим юришмаганига тарвузим қўлтиғимдан тушиб муюлишда турувдим, кўчада Исоқ кўринди (Й. Шамшаров. Чирок).

2. ...вужудини қамраган аниқлик баттар ортди, атрофидаги муҳит бегона, ёт туюладиган, кечалари мижжа қокмайдиган бўлиб қолди (Й. Шамшаров. Чирок).

Биринчи мисолда берилган тарвузим қўлтиғимдан тушиб ибораси қатнашиб, унинг синтактик деривацияси оператори **қўлтиғимдан** сўзи таркибидаги **–дан** аффиксидир. Мазкур оператор воситасида уч операндли дериват шаклланмоқда ва улар ўртасида бекам-кўст синтактик алоқа воқеланмоқда. Бу жиҳатдан иборанинг формал-синтактик структурасида бирор камчилик сезилмайди. Бироқ ана шу синтактик деривация замирида шаклланаётган маъно салмоғи ибора компонентларининг лексик маъноси синтезидан ташкил топмаётганини кўрамиз. Аини пайтда **умидлари пучга чикқанлик, кайфият сўниши, иштиёқ йўқолганлиги** каби маънолар

воқеланмоқда. Бу ходисани семантик деривация деб тушуниш мақсадга мувофиқдир.

Айтиш лозимки, бу ўринда ҳам семантик деривация оператори идиоматик ифода маъносини бераётган тил муҳитидир. Зотан, ҳар бир тилда идиоматик маъно ифодаси унинг ички муҳити қонун-қоидалари асосида вужудга келади.

Иккинчи мисолда **мижжа қокмайдиган** ибораси қатнашиб, унинг синтактик деривацияси оператори ноль ифодалидир. Негаки, аини пайтда деривация операторини **мижжани қокмайдиган** тарзида тасаввур этиб бўлмайди. Ибора семантик деривацияси бу ўринда **ухламайдиган** тарзида шаклланаётган идиоматик маъно билан боғланмоқда.

Синтактик ва семантик деривацияларнинг бир пайтда содир бўлиши аксарият ҳолларда фразеологик ибора ва парафразалар шаклланишида кузатилади. Эркин сўз бирикмалари материалида эса бундай вазиятни кўрмаймиз. Қиёсланг:

1. У Чавандознинг хонасида бир ўзи ўтирарди (О.Ёқубов. Эр бошига иш тушса).

2. Агар мени ёш бола деб ўйласангиз ... чучварани хом санабсиз! (О.Ёқубов. Эр бошига иш тушса).

Олдинги мисолда берилаётган **Чавандознинг хонаси** шаклида берилаётган эркин сўз бирикмасига эътибор қаратсак, бу ўринда **–нинг** оператори воситасида воқеланаётган дериватни кузатамиз. Бирикма ноидиоматик характерда бўлгани учун аини пайтда семантик деривация масаласини кун тартибига қўйиб бўлмайди. Кейинги мисолда эса ибора иштирок этмоқда: **Чучварани хом санабсиз**. Мазкур иборанинг синтактик деривацияси **–ни** операторига асосланмоқда, семантик деривацияси эса **нотўғри гапирмоқ, нотўғри хулосага келмоқ** деган бирикмаларнинг идиоматик маънолари билан узвий боғлиқдир.



Кўринадики,	фразеологик	ҳам,	семантик	деривациянинг	ҳам
ибораларнинг	нутқ	истеъмолига	воқеланишини	тақозо этади.	
киритилиши	синтактик	деривациянинг			

Адабиётлар:

1. Кацнельсон С.Д. Общее и типологическое языкознание.-М., 1986.-С.142.
2. Яхшибоев Ғ.Х.Ҳозирги ўзбек тилида содда гап деривацияси // Номз.дис.автореф. - Самарқанд, 2004.
3. Маматов А.Э. Проблемы лексико-фразеологической нормы в современном узбекском языке // Автореф.докт.дис.-Ташкент. 1991,-С. 44-45.

Шодиев С. Деривационные особенности фразеологических единиц. Статья посвящена деривационным особенностям фразеологических единиц. Автор анализирует некоторые отрывки с целью дифференциации глубинных и поверхностных структур. Кроме того, статья разъясняет и описывает различие между семантическими и структурными деривациями фразеологических единиц.

Shodiyev S. Derivational peculiarities of phraseological units. The article is devoted to the derivational peculiarities of phraseological units. The author demonstrates analysis of some extracts for deep structures and surface structures to differentiate them. The article also clarifies and describes the differences between semantic and structural derivation within phraseological units.
